



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2015 йил 16 июнь, СЕШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 123 (12.936)

Баҳоси эркин нарҳда

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислам Каримов 15 июнь кун
Оқсаройда Халқаро олимпия кўмитаси
президенти Томас Бах ва Осиё миллий
олимпия кўмиталари ассоциацияси ва
Осиё олимпия кенгаши президенти
Шайх Аҳмад ал-Фаҳад ал-Сабоҳни
қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни кутлар экан, Ўзбекистон билан Халқаро олимпия кўмитаси ва Осиё олимпия кенгаши ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашнинг муҳим воситаларидан бири сифатида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мустақил фикрлайдиган, кучли иродали, дунёқараши кенг авлод вояга етмоқда. Спорт таълим тизимининг узвий қисми сифатида ривожланмоқда. Ёшлар, хусусан, қизлар спортга кенг жалб этилмоқда.

Ўзбекистон мустақиллигининг илк йилларидан олимпия ҳаракатини қўллаб-қувватлаб келади, унинг фаол аъзоси ҳисобланади. 1992 йилда Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси тузилган ва 1993 йил сентябрда Халқаро олимпия кўмитасига аъзо бўлган. Мамлакатимиз ёзги ва қишки Олимпия, Паралимпия, Осиё ва Парасий ўйинларида мунтазам иштирок этиб келмоқда.

Халқаро олимпия кўмитаси президенти Томас Бах тинчлик-осойишталик, иқтисодий-ижтимоий тараққиёт, таълим ва ёшлар масаласига эътибор спорт ривожиди муҳим аҳамият касб этишини, ана шундай муҳит ва шароит туфайли Ўзбекистонда спорт жадал ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортнинг таъликий асослари такомиллаштирилгани, жисмоний-соғломлаштириш машғулотлари аҳоли ўртасида кенг оммалашгани, соҳани молиялаштириш, қадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш тизими юксалгани, моддий-техник база мустаҳкамлангани қайд этилди. Мамлакатимизда барча техник ва услубий воситалар билан таъминланган, профессионал мураббийларга эга 80 дан ортиқ спорт федерацияси фаолият юритмоқда.

Мамлакатимизда, жумладан, энг чекка ҳудудларда 51 мингдан ортиқ спорт иншооти барпо этилган. Дунёнинг энг яхши спорт ареналаридан қолишмайдиган спорт мажмуалари ва заллари, спортнинг кўплаб турлари бўйича марказ ва секциялар ишлаб турибди.

Ўзбекистонда таълим тизимига йўналтирилаётган йиллик давлат харажатлари дунёда энг юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади, яъни ушбу кўрсаткич давлат бюджетининг 35 фоизидан ошади. Бу ҳар жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялашга қаратилаётган улкан эътиборнинг амалий тасдиғидир.

2002 йилда ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жағфармаси мамлакатимизда спортни кенг ривожлантиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Президентимизнинг 2013 йил 25 февралдаги «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ мамлакатимиз спортчилари ушбу нуфузли мусобақаларга пухта ҳозирлик кўрмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон Президентига спортни ва олимпия ҳаракатини ривожлантиришдаги буюқ хизматлари учун Халқаро олимпия кўмитасининг медали, шунингдек, Ўзбекистонда ва Осиёда футболни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун Осиё олимпия кенгашининг мукофоти топширилди.

(ЎЗА)

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлашда Хотин-қизлар кўмиталарининг ўрни ва истиқболли ҳамкорлик мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда сенаторлар, депутатлар, вазирлар ва идоралар, жамоат ташкилотларининг мутасаддилари, Қорақалпоғистон Республикасининг вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги хотин-қизлар кўмиталарининг раислари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Тўраев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалаларига устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади.

2014 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди.

Ижтимоий шериклик – фуқаролик жамияти институтлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, тадбиркорлик субъектлари ҳамкорлигининг ижтимоий-иқтисодий асосларини иш-

лаб чиқиш ҳамда ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, ижтимоий долзарб масалаларни ҳал этишдаги ўзаро муносабатларнинг муҳим жиҳатидир.

Қонун бу борадаги ишларнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмининг такомиллаштириш, давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни янада

ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

мустаҳкамлаш, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаоллигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётди. Унда аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш, бандликка кўмаклашиш, атроф-муҳит ва аҳоли соғлигини асраш, оналик ва болаликни, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада ошириш бўйича бир қатор нормалар акс этган.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси жамоат ташкилоти сифатида ўз фаолиятининг устувор йўна-

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Пойтахтимиздаги Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Мустақил юрт ҳунармандлари» деб номланган халқ бадий ҳунармандлиги ва амалий санъати маҳсулотларининг анъанавий VIII кўргазмаси бошланди.

Барҳаёт анъаналар

МУСТАҚИЛ ЮРТ ҲУНАРМАНДЛАРИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида халқ амалий санъатининг барча йўналишларини янада ривожлантириш, бу борада шакллانган ижод мактабларининг анъаналарини ўрганиш ва бойитиш борасида изчил ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Республика «Ҳунарманд» ҳамда «Тасвирий ойна» уюшмалари, Байналмилал маданият маркази ва қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилаётган кўргазмада Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан икки юз нафардан зиёд уста-ҳунарманд ҳунармандлик маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

Қадимий урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш, моҳир усталар яратган услуб ва мактабларни янада такомиллаштиришда Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 30 мартдаги «Халқ бадийи

ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони муҳим дастурамал бўлаётди.

Халқ амалий санъати ва ҳунармандликнинг нодир намуналаридан халқимиз, айниқса, ёшларни кенг баҳра-манд этиш, уста-ҳунармандлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мунтазам ўтказилаётган ёш ижодкорлар кўргазмалари, фестиваллар, ижодий танловлар ўғил-қизларнинг халқ амалий санъатига, миллий ҳунармандлик буюмларига қизиқишини янада ошириш, қобилият ва салоҳиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга хизмат қилаётди.

Кўргазмада ёғоч ўймакорлиги, попопчилик, тикувчилик, тўқувчилик, новвойлик, пазандалик, миниатюра санъати каби йигирма беш турдан зиёд қўл меҳнати маҳсуллари намойиш этилмоқда.

– Бу йил батик, гул босилган газламалар ва чокли буюмларни халқимизга етказиб бераётганимизга йигирма уч йил бўлади, – дейди ЎЗА мухбирига фарғоналик ҳунарманд Маҳбуба ая Исмоилова. – Мустақиллик бизга, оиламизга мана шундай даромадли иш билан шуғулланиш учун кенг имконият берди.

Тадбирда «Энг кўп шоғирдлар тарбиялаган», «Қадимий ҳунар турларини қайта тиклаган», «Кўргазмаларнинг энг фаол иштирокчиси», «Чет давлатларда ўтказилган кўргазмаларда иштирок этган ҳунармандлар», «Энг кўп ҳунарманд-касанаши иш ўринларини яратган бўлим бошлиғи», «Анжуманнинг ёши улғу қатнашчиси», «Энг ёш қатнашчи», «Энг моҳир коллеж ўқувчиси» йўналишлари бўйича фаоллар тақдирланди.

Ватанин мадҳ этувчи қуй-қўшиқлар тадбирга ўзгача шуқуҳ бахш этди.

Барно МЕЛИКУЛОВА

лишларини доимо ижтимоий шериклик муносабатлари асосида олиб боради. Айни кунларда кўмита томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар, турли тадбирлар ва ижрога йўналтирилган дастурлар, ташаббуслар халқимиз ҳаёти янада обод бўлиши, аҳоли, хусусан аёлларимизнинг оғирини енгил қилишга ҳисса қўлиши билан аҳамиятлидир.

Кўмита ва бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда маҳаллаларда ташкил этилган «Бандлик», «Саломатлик», «Ойлага кириш», «Жинойтчилик профилактикаси», «Таълим-тарбия» секторларининг фаолият кўрсатаётгани аҳоли, айниқса, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жинойтчиликнинг олдини олиш имконини бермоқда.

Давра суҳбатида мазкур қонуннинг аҳамияти, унинг кўмита тизимида ҳамкорлик ме-зонларини белгилашдаги роли, шунингдек, қонун моҳиятини содда ва халқчил тилда тарғиб этишда эътибор қаратиладиган жиҳатлар белгилаб олинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

**Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири**



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси ҳамда халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

• Жиззахда бўлиб ўтган «Санъат мактаби» республика телевизион фестивалининг вилоят босқичида 100 га яқин ёш ижрочи эстрада хонандалиги, анъанавий хонандалик, академик хонандалик, чолғу ижрочилиги, рақс санъати бўйича ўз маҳоратини намойиш этди.

• Жорий йилнинг ўтган даврида Сурхондарё вилоятида хотин-қизлар учун 10 минг 183 иш ўрни яратилди. Кексаларни эъзозлаш йилида бандлик дастури доирасида вилоятда яратилдиган 66 минг 657 иш ўрнининг 20 минг 185 тасини хотин-қизлар учун ташкил этиш кўзда тутилган. Ўтган беш ойда хотин-қизлар учун ташкил этилган иш ўринларининг асосий қисми саноат, сервис ва хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги тармоқларида яратилди.

• Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида «Чимён садоси – 2015» экологик сайёҳлик фестивали бўлиб ўтди.

• Фарғона шаҳридаги «Истиклол» теннис мажмуасида эркалар ўртасида «Fergana Challenger» ҳамда хотин-қизлар ўртасида «Fergana women's» анъанавий халқаро турнирлари бошланди.

• Нукус шаҳрида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий Кенгаши ижроия кўмитаси ва O'zLiDePнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан «Тадбиркорлар ва фермерлар билан мулоқот» форуми лойиҳаси доирасида тадбир ташкил этилди.



• Жанубий Хитой денгизида 6 минг тонна бензин олиб кетаётган танкер йўқолди. Сув транспорти воситасида 22 нафар экипаж аъзоси бўлган. Улар Малайзия, Индонезия ҳамда Мьянма давлати фуқароларидир. Айни пайтда ҳудудда кенг қамровли қидирув олиб борилаёпти.

• АҚШнинг Куэро шаҳри (Техас штати)даги газ қуврида кучли портлаш рўй берди. Натижада ёнгин келиб чиқди. Шу боис мазкур ҳудудга яқин жойда истиқомат қилувчи аҳоли вакиллари зудлик билан эвакуация қилинди. Шаҳар маъмурияти ва ҳуқуқ тартибот идоралари вакиллари портлаш сабабини ўрганишмоқда.

• «Apple» компанияси ўзининг му-сикий сервис имкониятларини та-ништирди. «Music» деб номланган мазкур лойиҳа «онлайн-радио» си-фатида фаолият кўрсатади. У так-дим этилган мусикалар махсус экс-пертлар томонидан сараланади. Эътиборлиси, ушбу сервис хизмати-дан нафақат «Apple» қурилмаларига эга бўлганлар, балки «Android» ва «Windows» тизимида ишлайдиган алоқа воситалари соҳиблари ҳам бе-малол фойдалана оладилар.

Кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича ҳамда Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясига ёрдам берувчи халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ишчи гуруҳи иштирокида қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали, Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими, Ички ишлар бош бошқармасининг Вояга етмаганлар ишлари бўйича бўлими вакиллари, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири, коллеж ва академик лицейлар раҳбарлари ва бошқалар иштирок этди.

Унда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2015 йил 5 февралдаги «Тошкент шаҳрида ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг ижроси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг 2015 йил 7 майдаги «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Самарқанд вилоятида ижро этилишини ўрганиш натижалари ҳақидаги қарори ва Тошкент шаҳрида бу борада учрайдиган муаммо ҳамда камчиликларни бартараф этишга оид масалалар кўриб чиқилди.

Кун тартибидagi масалалар бўйича доимий комиссия аъзоларидан тузилган ишчи гуруҳларининг ахборотлари тингланиб, муҳокама этилди.

Жумладан, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2015 йил 5 февралдаги қарорининг ижроси юзасидан таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари томонидан муайян ишлар амалга оширилаётганлиги билан бир қаторда

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР ЙИГИЛИШЛАРИ

камчиликлар ҳам мавжудлиги кўрсатиб ўтилди. Ушбу долзарб масалани тегишли бошқармаларда муҳокама этиш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Бинобарин, мазкур қарорининг мақсади, мазмун-моҳиятини ва унда белгиланган вазифаларни кенг тарғиб этиш юзасидан жамоатчилик кенгашларини жалб этган ҳолда ишларни мувофиқлаштириш, қарор ижроси бўйича ўзаро ҳамкорлиқни тизимли йўлга қўйиш, бошқаруving барча бўғинларида тегишли мутасадди раҳбар ва мутахассисларнинг масъулиятини ошириш, жамоатчилик кенгашларига халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг депутатларини киритиш ва ҳамкорликда ишларни янада фаоллаштириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, вояга етмаганлар бўйича келиб тушаётган ариза ва му-

рожаатларни таҳлил қилиб, кўпроқ тушаётганларининг сабабларини аниқлаштириш мақсадида тегишли давлат ва нодавлат идораларни жалб этган ҳолда муҳокама қилиш ишларини мувофиқлаштириш ҳамда мазкур соҳа бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозимлиги таъкидланди.

Умумтаълим ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқувчилар ўртасида амалдаги қонун ҳужжатларининг тарғибот ишларини янада фаоллаштириш ва тарғибот тадбирлари якунида ҳар бир ўқувчидан қонун-ҳужжатларининг мазмун-моҳияти тўғрисидаги тушунчаларининг шаклланиши тўғрисида ёзма фикрнома, баёнлар олиш ҳамда энг яхши ёзма ишлар муаллифларини рағбатлантиришни йўлга қўйиш белгиланди.

«Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлик тизимини самарали ташкил этиш, 2015-2016 ўқув йилидан бошлаб, давомат натижаларининг кундалиқ таҳлилларини юритиш орқали ҳар бир ўқувчига етиб бориш, мунтазам дарс қолдирувчи ўқувчилар ва ота-оналарга нисбатан таъсир чораларини

қўриш, ҳар бир таълим муассасасида уяли алоқа воситасидан фойдаланиш бўйича қатъий интизомий қоидалар меъёрини ишлаб чиқиш лозимлиги билдирилди.

Бундан ташқари таълим муассасаларида ўтказиладиган ота-оналар мажлисларида маҳалланинг жамоатчилик назорати ходимларининг иштирокини таъминлаш, ўқувчилар ўртасида маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш ҳамда педагогик жамоанинг маънавий-маърифий фаолиятига баҳо бериш мақсадида сўрономалар ўтказиб бориш мақсадаги мувофиқ деб топилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг 2015 йил 7 майдаги «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Самарқанд вилоятида ижро этилишини ўрганиш натижалари ҳақидаги қарори ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссияси аъзолари томонидан мазкур қонун ижроси бўйича олиб борилаётган ишлар бўйича амалга оширган таҳлилий маълумотномаси муҳокама этилди.

Ушбу масала юзасидан Халқ таълими бош бошқармаси, Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси, Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали ва манфаатдор давлат ва нодавлат ташкилот раҳбарлари, туман ҳокимликларига тегишли вазифалар юкланди.

Доимий комиссияларнинг бўлиб ўтган қўшма йиғилишда кўрилган барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЧАРМ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИ КЕНГАЯДИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси томонидан чарм-пойабзал тармоғида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Мамлакатимизда тери хомашёсини тайёрлаш ва уни қайта ишлаш, рақобатбардор пойабзал ва чарм-атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни таъминлаштириш, соҳа корхоналарига инвестицияларни кенг жалб қилиш, илгор технологияларни жорий этиш, корхоналарни техник қайта жиҳозлаш ва модернизациялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2000 йил 23 февралдаги «Республика иқтисодиётининг чарм-пойабзал тармоғини бошқариш тизимини таъминлаштириш тўғрисида»ги Фармони асосида ташкил этилган «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси томонидан бу борада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

— Соҳадаги изчил ислохотлар натижасида ишлаб чиқариш ҳажми ошмоқда, — дейди уюш-

ма бошқаруви раисининг ўринбосари Ш.Шералиев, — Хусусан, 2015 йилнинг биринчи чорағида ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 118 фоизни ташкил этиб, 90 миллиард сўмлик саноат маҳсулоти, 29 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди.

Аҳолининг сифатли чарм-пойабзал маҳсулотларига бўлган талабидан келиб чиқиб, тармоқ корхоналарида импорт ўрини босадиган товарлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган даврда 60 турдаги чарм-атторлик буюми ва 150 турдаги пойабзал ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Экспортда хомашё ҳажми қисқариб, тайёр маҳсулотлар улуши ортиб бораётди. Ўтган йили Жанубий Корея, Хитой, Хиндистон, Покистон, Туркия, Россия ва Қозғистонга 79,8 миллион дол-

ларлик маҳсулот экспорт қилинган бўлиб, унинг салмоқли қисмини пойабзал ва чарм-атторлик маҳсулотлари ташкил этган.

2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, корхоналарга чет эл инвесторларини жалб қилиш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиш, янги корхоналар ташкил этишга қаратилган ҳудудий дастур ишлаб чиқилди. Дастурда 62 лойиҳани амалга ошириш белгиланган бўлиб, шунинг 32 таси бўйича янги корхона ташкил этиш кўзда тутилган.

Наманган вилоятида йилга 400 минг жуфт пойабзал, Фарғона вилоятида 1,4 миллиард сўмлик чарм-атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга корхоналарни ишга тушириш мўлжалланган. Ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши йилга 200 минг долларлик тайёр маҳсулотни хорижга экспорт қилиш имконини беради.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Б.БОЗОРОВ,
ЎЗА мухбири



Ҳар йили ўтказиладиган тармоқ саноат ярмаркалари корхоналарга ишлаб чиқариш ва қайта ишланган хомашё, материал ва бутловчи буюмлар, тайёр маҳсулотларни етказиб беришда узоқ муддатли хўжалик алоқаларини кенгайтириш ҳамда тармоқ ва тармоқларaro кооперация асосида янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштиришга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилади.



коммуникация технологиялари юксак тараққий этган асримизда бу, албатта ҳеч кимни ажаблантирмайди. Бироқ мана шу воқеалар ва ҳаётнинг турли соҳаларида юз берган янгиликларни ҳолис ва ҳаққоний, моҳиятини тўғри акс эттирган ҳолда тақдим этиш бу жараёни ҳаракатлантириб турган оммавий ахборот воситалари, журналистлардан катта салоҳият, тинимсиз меҳнат ва масъулият талаб этади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси режасига биноан жорий йилда ЎЗМУ журналистика факультети учун барча шарт-шароитга эга янги бино фойдаланиши топирилди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетида ҳам мақсадли кадрлар тайёрлаш концепцияси асосида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда факультет фаол иштирок этган ҳолда, турли тажрибалар ўтказилмоқда. Бу албатта ўзининг дастлабки ижобий натижаларини бермоқда. Сўнгги 2012-2015 йилларда факультетга амалиётчи ёш кадрлар ишга қабул қилинди. Ҳозирда факультетда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларнинг 40 фоизини ёш мутахассислар ташкил этмоқда.

Факультет кафедралари томонидан мунтазам илмий-амалий конференциялар ва семинарлар ўтказилиши йўлга қўйилди. Талабаларнинг илмий мақолаларидан иборат тўпламлар чоп этилмоқда.

Тадбир давомида Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети декани Махмуд Мирзоатовнинг «Журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасида Ўзбекистон Миллий университетидан олиб борилаётган ишлар ҳақида», Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети декани Акбар Нурматовнинг «Мамлакатда халқаро журналист кадрлар тайёрлаш борасида Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида», ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси ўринбосари Уттам Мирзаёровнинг «Таҳририятлар ва журналист кадрлар тайёрловчи ўқув юртлари ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш истиқболлари» мавзуларида маърузалар тингланди.

Анжуман сўнггида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Зиёда РАСУЛОВА

Яккасарой тумани ҳокимининг ҚАРОРИ

ЯККАСАРОЙ ТУМАНИДА 2015 ЙИЛДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА МЕЛИОРАТИВ ТЕХНИКАНИ, МАШИНА-ТРАКТОР ПАРКЛАРИ, УСТАХОНАЛАР ВА СЕРВИС ПУНКТЛАРИНИНГ АСБОБ-УСКУНАЛАРИНИ ТЕХНИК КЎРИҚДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш давлат бош инспекцияси тўғрисида»ги Низоми (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 50-сон, 559-модда), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 2 апрелдаги 58-сон буйруғи билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устaxonалар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил 29 апрель, 17-сон, 229-модда) ижросини таъминлаш ҳамда туманда 2015 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, машина-трактор парклари, устaxonалар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини (бундан бўён матнда техника деб юритилади) ҳар йиллик техник кўриқдан ўтказиш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Яккасарой туманида 2015 йилда мулкчилик шаклидан қатъи назар ташкилотларда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устaxonалар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш иш режаси 1-иловага ва комиссия таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича давлат инспектори (комиссия раиси) М.Каримкуловага:

техникага мулк ҳуқуқи асосида эга шахсларга (бундан бўён матнда мулкдор деб юритилади) техникаларини техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўриқ ўтказиш кунидан камида ўттиз кун олдин юборишни таъминлаш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча русумдаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив йўл қурилиш техникаси воситалари, машина асбоб-ускуналарини йиллик техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги иш режаси ва комиссия таркибини юридик ва жисмоний шахсларга етказиш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча русумдаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситаларини йиллик техник кўриқдан ўтказиш майдончаларига ййғиш;

техник кўриқдан ўтган техникаларини далолатномалар асосида ишлашга рухсат беришни ташкил қилиш;

техник кўриқдан ўтмаган ёки техник кўрикка тақдим этилмаган техникалар юзасидан мулкдорга ёзма кўрсатма берилиши ва қайта техник кўриқдан ўтказиш учун ўн кундан кам бўлмаган муддатни белгилаш;

техникани қайта кўриқдан ўтказиш учун мулкдордан ййғим ундирилмаслик;

мулкдор кўрсатмада белгиланган муддатда техникани қайта техник кўриқдан ўтказмагани ҳолда туман ҳокимлигига маълумот бериш ишларини амалга ошириш топирилсин.

3. Бошқа туманларда фойдаланилаётган техника ушбу манзилдаги давлат инспектори томонидан техника доимий рўйхатдан ўтган давлат инспекторининг сўрономасига асосан техник кўриқдан ўтказилиши белгилансин.

4. Мулкдорларга: билдиришномани олгандан сўнг техник кўрик ўтказилишдан камида беш кун олдин техник кўриқдан ўтказиладиган техникалар тўғрисида далолатнома тўлдирилсин;

техник кўриқдан ўтказиш учун белгиланган ййғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат техника доимий рўйхатдан ўтган жойдаги давлат инспекторига тақдим этилсин.

5. «Давтехназорат» инспекцияси (С.Хаитов): ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатсин.

6. Туман ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳи (И.Алимов) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Компьютерлаштириш маркази» ДУКнинг Яккасарой туман тармоқ администратори (С.Хусаинов):

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида мазкур қарорнинг расмий эълон қилиниши ва www.yakkasaroy.uz веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин.

7. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўлдан киради.

8. Туман ҳокимининг 2014 йил 10 январдаги «Яккасарой туманида 2014 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устaxonалар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида»ги 13-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари С.Кадыров зиммасига юклансин.

Яккасарой тумани ҳокими
А.Салихов

2015 йил 13 январь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида фуқароларнинг мурожаатлари масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, ҳар бир мурожаат ортида инсон бор, унинг дарду ташвиши мужассам.

Дарҳақиқат, асосли мурожаатнинг ижобий ҳал этилиши инсон ҳуқуқлари таъминланиши ва самарали ҳимоя қилинишининг муҳим омилларидан биридир. Шу боис миллий қонунчилигимизда бу масалага алоҳида ўрин берилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 3 декабрда қабул қилинган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни фуқароларнинг давлат органларига мурожаат этиши тартибини янада такомиллаштирди. Қонун билан юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий тартибга солинди. Ушбу соҳадаги қонунбузилиш учун жавобгарлик белгиланиб, давлат органларига, мансабдор шахсларга мурожаат қилиш тартиби аниқлаштирилди.

Қонун мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш, идора ва ташкилотларда мурожаатлар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида кенг қўлланма тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот тизимлари ва телекоммуникация масалалари комплекси таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар масъул ходимлари иштирокида ўтказилган семинар шу масалага бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси давлат ва ҳўжалик бошқарув органлари ҳамда жойлардаги ижро ҳокимияти органларида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси бошлиғи И.Жасимов, Адлия вазирлиги фуқароларни қабул қилиш ва мурожаатлар бўлими бошлиғи Ш.Галтемиров ва бошқалар мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг асосини ташкил этишини, амалга оширилаётган барча ислохот ва янгиланишлар аниқ шунга мақсадга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Мурожаат қилиш ҳуқуқининг янги қонун асосида мустақамлангани фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қўшимча қафолатларини яратди.

Қонунда мурожаатларнинг шакллари, уларга қўйилади-

Қонун ва ижро

ҲАР БИР МУРОЖААТ ОРТИДА ИНСОН БОР

ган талаблар аниқ баён этилган. Жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш, мурожаатларни бериш ва уларни кўриб чиқиш тартиби, муддатлари, мурожаатларни кўрмай қолдириш асослари, мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда давлат органларининг мажбуриятлари, моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиёни компенсация қилиш, мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликка оид қоидалар ўз ифодасини топган.

Электрон шаклда мурожаат қилиш ҳуқуқий жиҳатдан мустақамланди. Эндиликда жисмоний ва юридик шахслар белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тегишли идора ёки мансабдор шахсларга мурожаат қилиши мумкин.

Мурожаатларни белгиланган тартибда кўриб чиқишда мутасаддилар томонидан бу масалада сансалорлик ва рас-

миятчилик, камчиликларни ўз вақтида бартараф этмаслик, айбдор мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрмаслик ҳолатлари ҳам учраб туради. Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида қонунда давлат органлари мурожаатларни кўриб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига риоя этиши шартлиги белгиланган.

Қонун талабларини самарали қўллашда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 31 мартдаги «Давлат органлари ва давлат муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда. Иштирокчиларга низом талаблари ва уни амалиётда қўллаш тартиби батафсил тушунтирилди.

Семинарда идора ва ташкилотларда мурожаатлар билан ишлаш механизми шаклланиётгани мурожаат эътиборининг манфаатлари таъминланишига хизмат қилаётгани қайд этилди. Бу тизим мурожаатларнинг камайишига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Мурожаатлар билан ишлашда хато ва камчиликларга йўл қўйилиши, масъул шахсларнинг вазифасига совуққонлик билан қараши ҳам учраб туради. Прокуратура органлари томонидан шу йўналишда ўтказилаётган текширишлар бунга тасдиқлайди. 2014 йилда мурожаатлар билан ишлашда жиддий қонунбузилишга йўл қўйган 144 нафар мансабдор шахс жиноий жавобгарликка тортилган. Шунинг ҳам айтиш кераки, баъзи мурожаат қилувчилар қонун талабларига риоя этмаётган ҳоллар ҳам учрамоқда. Асосан мурожаатлар муаллифлари тегишли тартибда жавобгарликка тортилмоқда.

Анжуманда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволлар, амалиётда учраётган масалалар юзасидан мутасаддилардан жавоб олди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

НУРОНИЙЛАР ХОНАДОНИМИЗ ФАЙЗИ

Инсон дунёга келар экан, аста-секин ижтимоий муносабатларга кириша бошлайди. У улғаяди ва жамиятни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшади.

Ёшлик шижоати аста чекиниб, қарлик этиб келганида у одамлардан, яқинларидан ва халқидан меҳр кутади ва ўзининг умрининг самарасини меҳр орқали белгилайди. Айнан кексалик ҳам болалик пайти каби меҳрга муҳтожлик даври ҳисобланади. Халқимизнинг кенг таърибаси ва узоқ тарихи бу йўлда бизга ёрдам беради. Бежизга халқимизда «Қариси бор уйнинг париси бор» деб айтилмаган. Қариси бор уй тинч ва мустақам, файзли хонадондир. Айнан нурунийларнинг таъриблари, босиб ўтган ҳаёт йўллари, дуо-лари бизнинг камолот чўққисига чиқишимизга ёрдам беради.

Жамиятимизда кексаларнинг ўз ўринлари бор. Халқимиз қадриятларга бой ўлка. Шулардан бири кексаларни эъзозлаш, уларга ёрдам бериш ёки уларнинг ҳола-ахволидан хабар олишдир. 2015 йилининг Ўртабосими томонидан «Кексаларни эъзозлаш йили» деб белгиланиши асрий қадриятларимизнинг ўзвий давомчилигига яна бир мисол бўла олади.

Афсуски, орамизда ота-онага кам эътиборли инсонлар ҳам учраб туради. Ота-она бир неча фарзанди, ҳаттоки набираларини ўстириб, парварши қилиб, қўллаб-қувватлаб, таълим-тарбия бериб улғайтиради. Улар кексаликларидан фарзандлари эътибори ва меҳрига муҳтож бўлиб қоладилар.

Давлатимиз томонидан меҳнатга лаёқатсиз бўлганда, ёрдамга муҳтож бўлиб қолганда фарзандларидан таъминот ундириш қонун ҳужжатларида белгиланиб, бу масалага алоҳида эътибор берилган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, қариларга бундай эътибор дунёнинг бошқа мамлакатларида кузатилмаган.

Бизда эса миллийлигимиздан келиб чиқиб, кексаларни қадрлаш ҳуқуқий одат сифатида қонун нормалари билан мустақамланган. Бундай қонун нормаларига қўйидагиларни мисол қилиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 109-моддасида вояга етган, меҳнатга лаёқатли болаларнинг ота-онасига таъминот бериш мажбурияти белгиланган бўлиб, вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ўз ота-онасига таъминот бериш тартиби белгиланган бўлиб, ўзларининг вояга етган болаларидан ёхуд эри ёки хотинидан (собиқ эри ёки хотинидан) таъминот ололмайдиган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож бобо ва бувига таъминот бериш мажбурияти етарли маблағга эга бўлган вояга етган меҳнатга лаёқатли наваралар зиммасига юклатилиши мумкин.

Кексаларимизга эътиборимизни оширишимиз, ҳолидан хабар олишимиз ва улардан ширин сўзимизни дариг тутмаслигимиз хонадонларимиз файзи бўлган нурунийларимиз қалбларини ёшартиришга ва умрларининг узайишига сабаб бўлади.

Мазкур кодекснинг 110-моддасида ота-онага бериладиган таъминот миқдори ва тартиби белгиланган бўлиб, вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар ўз ота-онасига ихтиёрий равишда моддий ёрдам беришдан бўйин товласалар, таъминот миқдори болаларнинг оилавий ва моддий аҳолини ҳисобга олган ҳолда суднинг ҳал қилув қарорига асосан белгиланади. Ота-она алимент ундириш ҳақидаги талабни ўз болаларининг бирига ёки бир нечасига нисбатан қўйганлигидан қатъи назар, алимент миқдорини белгилашда суд вояга етган, меҳнатга лаёқатли болаларнинг барчасини ҳисобга олиши лозим. Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалардан алимент ундириш низои узил-кесил ҳал бўлгунга қадар судья шу низо бўйича вақтинча тўлаб турилиши лозим бўлган суммани кўрсатиб, ажрим чиқариши мумкин. Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалардан ундирилаётган алимент миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

Ота-онага бериладиган таъминот миқдори ва тартиби ҳам белгиланган бўлиб, вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар ота-онасининг касаллигига ва бошқа узрли сабабларга кўра қилинадиган қўшимча харажатларда иштирок этишлари шартлиги Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 111-моддасида белгиланган. Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар томонидан қўшимча харажатлар ихтиёрий равишда қопланмаса, талаб қилинаётган сумма суд тартибда ундирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 124-моддасида ота-онага бериладиган таъминот миқдори ва тартиби белгиланган бўлиб, ўзларининг вояга етган болаларидан ёхуд эри ёки хотинидан (собиқ эри ёки хотинидан) таъминот ололмайдиган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож бобо ва бувига таъминот бериш мажбурияти етарли маблағга эга бўлган вояга етган меҳнатга лаёқатли наваралар зиммасига юклатилиши мумкин.

Кексаларимизга эътиборимизни оширишимиз, ҳолидан хабар олишимиз ва улардан ширин сўзимизни дариг тутмаслигимиз хонадонларимиз файзи бўлган нурунийларимиз қалбларини ёшартиришга ва умрларининг узайишига сабаб бўлади.

Дилором РАШИДОВА,
Фуқаролик ишлари бўйича
Миробод туманлараро
суды судьяси

САЛОМАТЛИК ЛОЙИХАСИ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги «Галаба» маҳалласида аҳоли ўртасида чуқурлаштирилган тиббий кўрик ўтказилди. Ушбу акция «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди томонидан тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Аҳоли саломатлигини муҳофазалаш, замонавий тиббий ёрдамни халқимизга янада яқинлаштириш, тиббий-профилактика ёрдамнинг сифати ва самарадорлигини ошириш мамлакатимизда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган тиббий-ижтимоий ислохотларнинг муҳим йўналишига айланган.

«Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасида бу борадаги чора-тадбирлар кўлами янада кенгаймоқда. Ушбу вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ҳам муносиб ҳисса қўшаётир.

Фонднинг кўма тиббий-ижтимоий ёрдам бригадалари бу йўналишдаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида жойларда бўлиб, аҳолини аниқса, аёллар, ўсмирлар ва болаларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказмоқда. Аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича тарғибот юритилаётир. Жумладан, жорий йилнинг беш ойи мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ташкил этилган шундай тиббий-ижтимоий акциялар доирасида тўқсон беш миң нафардан ортиқ аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди.

«Галаба» маҳалласида ўтган тадбирга ҳам асосан уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, аёллар, ўсмирлар ва болалар қамраб олинди. Аҳоли, мактаб, лицей ва коллеж ўқувчилари орасида соғлом турмуш тарзи ва репродуктив саломатлиқни асраш, соғлом оилани шакллантириш, эрта никоҳнинг олдини олиш юзасидан тарғибот-тушунтириш ишлари амалга оширилди.

Оилаларда тиббий маданиятни юксалтириш фаолиятимизнинг муҳим йўналишини ташкил этади, — дейди ЎЗА мухбирига «Галаба» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Аҳмедов. — Бу борада ҳудудимиздаги оилавий поликлиника, давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари билан ҳамкорликда кенг қамровли лойиҳаларни амалга оширмоқдамиз.

Тиббий кўрик давомида тиббий-ижтимоий кўмакка муҳтожларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бундай ҳамкорлик лойиҳалари инсон манфаатига йўналтирилган ислохотлардан халқимизнинг баҳрамандлигини янада оширишга хизмат қилади.

Б.ХИДИРОВА

Тадбирлар

КЕЛАЖАГИМИЗ КЎЗГУСИ

Шаҳримизда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар, компьютер ўйинлари ва интернетнинг салбий таъсирида рўй бераётган нохуш ҳодисалар ва бошқа салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги Учтепа академик лицейида юқоридаги мавзуда II-III босқич ўқувчилари ўртасида тадбир бўлиб ўтди.


Унда «Диний экстремизм — ёшлар келажагига таҳдид», «Ижтимоий иллатлар ва улардан сақланиш», «Қийинчи маданияти: миллий аъналар ва бегона маданиятлар таъсири» мавзуларида сўз юритилди.

Ўқувчиларга турли экстремистик оқимларнинг таъсирига тушиб қолмаслик учун қучли ېродага эга бўлишлари ва ўзгалар бераётган ноаниқ ва шубҳали тақлифлардан сақланишлари, шунингдек, мустақам маънавий-мафкуравий иммунитет ҳосил қилишлари лозимлиги, бўш вақтларини кўпроқ китоб ўқишга, қизқарли тўғаракларга сарф қилишлари кераклиги тушунтириб ўтилди.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети профессори Н.Жўраев даврнинг энг катта муаммоларидан бири бўлган «Ижтимоий иллатлар ва улардан сақланиш» мавзусида фикр юритиб, бугунги ёшларнинг интернет тармоқларидан фаол фойдаланаётганликлари, шу билан бирга, ижтимоий тармоқларнинг турли сайтларига аъзоликларига ҳақида тўхталиб, бу сайтлар ҳар хил ғаразли мақсадларда ёшлар онгига турли салбий иллатларни синдираётганлиги, асосан, чет элда мўмай даромад орттириб келиш, диний ақидапарастлик ва шунга ўхшаш ғаразли ниятларини амалга оширмоқчи бўлган кимсаларнинг алдовы эканлиги ҳамда бундай иллатларга аралашмаслик учун ёшларимизнинг маданий, маънавий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий билимларини мустақамлашлари ва савиясини ошириш кераклигини таъкидлади.

Тадбир сўнггида ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атофлича жавоб олдилар.

Барно НОРОВА



БЕГАРАЗ ДОНОРЛИК — УЛКАН САХОВАТ

«Қон препаратлари» илмий-ишлаб чиқариш корхонасида «Қон — ҳаёт манбаи» шиори остида ўтказилган анжуман мазкур корхона ҳамда Республика саломатлик ва тиббий статистика институтининг шаҳар филиали ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унда шифокорлар, бегараз донорлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Тадбирда инсон саломатлигида қоннинг муҳим аҳамияти, бегараз донорлиқни ривожлантириш, жамоат ташкилотлари, тиббиёт ва таълим муассасалари ҳамкорлигини янада мустақамлаш хусусида сўз борди.

Юртимизда тиббий-ижтимоий жабҳаларда олиб борилаётган кенг қўлланма ислохотлар жараёнида донорлиқни ривожлантириш, қон хизмати хавфсизлигини таъминлаш ва такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда донорлик ва қон қуйиш хизмати жаҳон андозалари даражасига кўтариш учун ҳам барча имкониятлар яратилган. Шаҳримиздаги мавжуд даволаш-профилактика муассасаларини қон таркибий қисмлари ва препаратлари билан таъминлаш борасида «Қон маҳсулотлари» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси билан янги препаратлар яратиш борасида изчил изланишлар олиб бориладилар.

— Ушбу тадбир Бутунжаҳон донорлар кўни ҳақида маълумот бериш билан бирга, «Донорлик олий саховатдори» шиорини ҳам илгари суради ҳамда барча соғлом инсонларни бегараз донорликка ихтиёрий равишда қўллашга, — дейди «Қон маҳсулотлари» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси директори Зухра Ўбайдуллаева. — Донор бу од-

дий инсон — ишчи, талаба, уй бекаси ва турли соҳадаги касб эгаси бўлиши мумкин. Бирок, у ўзига мутлақо бегона бўлган шахсларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун ашаётганини ҳар дақиқа ҳис қилиб туради. Донор ўз соғлиғига жавобгар бўлиши билан бирга, бошига қўлфат тушган инсоннинг саломатлиги учун ҳам масъулдир. Ҳаммамизга маълумки, қон ва ундан олинган препаратларнинг ўрнини босадиган биронта ҳам сунъий манба мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам ушбу воситаларга бўлган эҳтиёжни қондиришнинг биргина йўли донорлиқни ривожлантиришдир. Бегараз донорлиқни ривожлантиришга тиббиёт муассасалари, оилавий поликлиникалар, маҳалла, корхона, ташкилотлар ва ўқув муассасалари ўз ҳиссасини қўшмоқда ва биз бундан беҳад мамнунмиз.

«Қон маҳсулотлари» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси бугунги кунда энг замонавий тиббий ускуналар билан таъминланган. Бу эса фаолиятини жаҳон стандартлари даражасида олиб борилишига замин яратди.

Тадбир сўнггида бегараз донорлик қилаётган фуқароларга «Қон препаратлари» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси томонидан совғалар топширилди.

Гулчеҳра ДҲРДИЕВА
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа

А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази институтида, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан педагоглар ўртасида «Йилнинг энг яхши инглиз тили ўқитувчиси» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Танловлар

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИСИ

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тиллари ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қароридида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб ҳамда хорижий тилларни ўқитиш бўйича халқаро таълим стандартларига асосланган миллий таълим тизимини ривожлантириш борасида мамлакатимизда кенг қўлланма ишлар амалга оширилмоқда.

Таълим соҳасида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар ҳар жи-

ҳатдан соғлом ва баркамол, юксак маънавиятли, теран ва мустақил тафаккурли авлодни қалмолга етказишдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

— Мазкур танловни ўтказишдан кўзланган мақсад жонқуяр ва ташаббускор педагогларни аниқлаш ва уларнинг меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантириш, илгор тажрибаларини оммалаштиришдан иборатдир, — дейди Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош-

қармаси бошлиғи Файзулла Аҳмедов.

«Йилнинг энг яхши инглиз тили ўқитувчиси» кўрик-танлови уч босқичда ўтказилди. Дастлабки босқичда икки мингга яқин ўқитувчи ўз ижодий иши билан иштирок этди. Унда юқори кўрсаткичга эга бўлган 232 нафар ўқитувчиларнинг дарс ишланмаси ва видеодарси иккинчи босқичда баҳоланди.

Юқори балл тўплаган беш нафардан иштирокчи танловнинг якуний босқичида АPTIS тест синовларига жавоб берди. Энг юқори балл йиғган ўқитувчи махсус кубок билан тақдирланди. Юқори натижаларга эришган 40 нафар ўқитувчилар Буюк Британиянинг нуфузли марказларида малака ошириб келиш учун йўлланмага эга бўлди.

Гулнигор САТТОРОВА

Бешинчи босқич: викторина давом этади!

«СИЗ ТОШКЕНТНИ БИЛАСИЗМИ?»



Савол:

«International Hotel Tashkent» меҳмонхонаси қачон фойдаланишга топширилган?

Пойтахтимизда олий таълим муассасалари талабалари ўртасида «Ватанимиз табиатини асраш — ҳар биримизнинг муҳим вазифамиздир!» мавзусида кўрик-танлов бўлиб ўтди.

Экология

ТАБИАТНИ АСРАШ —
БАРЧАМИЗНИНГ ВАЗИФАМИЗ

Танлов Экоҳаракат Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини маси томонидан Тошкент молия институти ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, аҳолининг экологик маданиятини ва соҳага оид таълим тизимини юксалтириш, ёшларда экологик дунёқарашни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

— Экологиянинг долзарб муаммоларига оид илмий-амалий анжуманлар, табиатни муҳофаза қилишга доир лойиҳа ва танловлар аҳоли, жумладан, ёшларнинг бу борадаги фаоллигини кучайти-

ришга хизмат қилаётди, — дейди Экоҳаракат марказий кенгаши ижроия қўмитаси гуруҳ раҳбари Шодиёр Азизов. — Мазкур соҳага қаратилаётган доимий эътибор ижтимоий-иқтисодий ҳамда экологик тизимларни изчил ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Танловда иштирокчилар экологик муаммоларни аниқлаш ва олдини олиш, ёшларнинг экологик маданияти, экологик ҳуқуқий онгини ошириш борасидаги тақдирлари, экологик расмлар орқали салбий ва ижобий ҳолатларни ёритиб бериш каби йўналишлар бўйича баҳслашди.

Ҳалиб ва совриндорларга ташкилотчилар томонидан диплом ва эсда-ик совғалари топширилди.

Н.НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири

МАҲАЛЛАДОШЛАРГА
ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛДИ

Бугунги кунда маҳаллаларимиз тобора чирой очиб, янги-янги гузарлар, болалар ўйин майдончалари, боғлар бунёд этилмоқда. Айниқса, кўп қаватли уйлاردан ташкил топган маҳаллаларнинг обод ва ораста гўшаларга айланаётгани қувонарли ҳолдир.

Олмасор тумани, Қорақамий 1/4 даҳасидаги «Дўстлик» маҳалласини ҳам ахил ва файзли масканлар қаторига қиритишимиз мумкин. Ушбу маҳаллада турли миллатга мансуб 4300 дан ортиқ киши ҳамжihatлиқда истикомат қилмоқда. Уларнинг 60 фоизини ёшлар ташкил қилади.

Қувонарли томони шундаки, кўни кеча ушбу маҳалла ҳудудида шинам боғ барпо этилиб, болалар ўйин майдончаси аҳолига хизмат кўрсата бошлади.

— Эндиликда маҳалладошларимизнинг кичик ва шинам боғда вақтларини мазмунли ўтказиб, хордиқ чиқаришлари учун барча имкониятлар яратилди, — дейди «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Аъзам Тошпулатов. — Ушбу хайрли ишни

ёш тадбиркор Ахборхўжа Икромов ўз ҳисобидан амалга ошириб, боққа кўплаб гуллар ўтказилди, ўриндиқлар ўрна-тилди. Шунингдек, болалар ўйин майдончаси ҳам очилиб, ёзги таътил пайтида фарзандларимиз мазза қилиб дам олмоқдалар. Боғда «жонли» бурчак ҳам ташкил этилган бўлиб, бунинг тарбиявий томонлари ҳам бор. Яъни, тўти-қушлар, каптарлар, қуёнлар ва бошқа жониворларни парвариш қилар эканлар, болаларда ёшлик чоғлариданок табиатга муҳаббат уйғонади.

Ушбу боғ беҳиз Кексаларни эъзозлаш йилида бунёд этилгани йўқ. А.Икромов уни қирқ йил олдин маҳаллада кўплаб дарахтлар ўтказиб, файзли гўшага айланишига катта ҳисса қўшган отаси хотирасига бағишлаб амалга

оширди. Бу юртимизда оталар бошлаган ишни фарзандлар нисбатан етказиб бериш, бинобарин, қадриятларимизнинг изчил давом этаётганидан далолатдир.

Таъкидлаш жоизки, «Дўстлик» маҳалласида келажакка мўлжалланган режалар ҳам бисёр. Жумладан, боғ ёнида чанқовбосди ичимликлар ва музқаймоқ билан савдо қилувчи шохобча, бўш жойларда металлдан манзарали буюмлар тайёрланадиган цех, болажонларнинг мини-футбол, баскетбол ва волейбол ўйнашлари учун кичик стадионнинг қурилиши кўзда тутилмоқда.

— Ҳозирги кунда гузарни таъмирлаш ишларини бошлаб юбордик, — сўзида давом этади Аъзам ака. — Уни мустақиллигимизнинг 24 йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топширишга ҳаракат қиламиз. Зеро, маҳалладошларимизга Энг азиз, энг улуғ байрамимизни замонавий гузарда нишонлаш насиб этсин.

Дилмурод ИСМОИЛОВ
Козим Улмасов
олган сурат

Осиё чемпионати — 2015

ГИМНАСТИКАЧИЛАРИМИЗ
ОСИЁДА ТЕНГСИЗ!

Жанубий Кореяда бадий гимнастика бўйича давом этаётган Осиё чемпионатида ҳамюртларимиз олтин медалга сазовор бўлди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантириш, аҳоли, айниқса, болалар ва хотин-қизларни спортга жалб этиш орқали жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётди.

Юртимизнинг барча ҳудудларида барпо этилаётган замонавий спорт мажмуалари ўғил-қизларнинг спорт билан шуғулланишига кенг имконият яратмоқда. Спортнинг қизларга хос тури — бадий гимнастикани оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг самарасида мазкур нафис спорт турига қизиқувчи қизлар сони кескин ошиши билан бирга улар орасидан саралала олинган иқтидорли спортчилар халқаро миқёсдаги нуфузли мусобақаларда муносиб иштирок этиб, юқори натижаларга эришмоқда.

Жанубий Корея мезбонлик қилаётган Осиё чемпионатида бу жихатлар яна бир марта ўз исботини топди.

Нуфузли мусобақанинг жамоавий кўкурлаш баҳсларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Елизавета Назаренкова, Анастасия Сердюкова ва Анара Давлатова шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Айниқса, Елизавета Назаренкова ва Анастасия Сердюкованинг турли предметлар ёрдамида ба-жарган машқлари ҳакамлар томонидан юқори баҳо-ланди. Е.Назаренкова халқда машқ бажаришда 17,9 балл, тўп билан бажарилган машқлар бўйича 17,5 балл, булавада машқ бажаришда 17,8 балл тўплади. А.Сердюкова эса халқда 17,35 балл, булавада 17,75 балл, тасмада 17,55 балл натижа қайд этди.

Жанубий Корея спортчилари иккинчи, қозогистон-лик гимнастикачилар эса учинчи ўринни эгаллади.

Гуруҳ баҳсларида иштирок этган Луиза Фаниева, Марта Ростобурова, Зарина Курбонова, Валерия Давидова ва Самира Амировадан иборат терма жа-моамиз тасмада машқ бажаришда 16,5 балл, була-ва ва халқа ёрдамида машқ бажариш бўйича 17,05 балл жағғариб, бронза медални қўлга киритди.

Хитойлик спортчилар олтин, Япония терма жамо-аси эса кумуш медал билан тақдирланди.

Дзюдо

ЎЗБЕК ПОЛВОНИ
ГРАН-ПРИ СОҲИБИ

Венгрия пойтахти Будапешт шаҳрида ўтказилган дзюдо бўйича Гран-при туркумига кирувчи нуфузли халқаро турнирда ҳамюртимиш Яхё Имомов олтин медални қўлга киритди.

Унда дунёнинг етмишга яқин давлатидан тўрт юз нафардан зиёд дзюдочилар гиламга чиқди. Вазни 81 килограммга бўлган полвонлар ўртасидаги беллашу-ларда иштирок этган Яхё Имомов венгриялик Аттила Унгвари, болгариялик Ивайло Иванов, германиялик Свен Мареш, россиялик Станислав Семёнов, ҳал қилувчи бахсда франциялик Алан Шмитт устидан ғалаба қозониб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Вазни 60 килограммга бўлган дзюдо усталари беллашувида иштирок этган ҳамюртимиш Шарофиддин Лутфуллаев бронза медал соҳиби бўлди.

(ЎЗА)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер
участкаларига талабгорлар диққатига!

Фуқаролар ўзининг шахсий мулкига бўлган кўп қаватли уйларидаги хонадонларини туман ҳокимли-лари иштирокида топшириш эвазига Тошкент ша-ҳрининг Сергели, Чилонзор туманларида ҳамда Тош-кент вилояти, Зангиота тумани ҳудудидан (мўлжал: машина бозори рўпараси ва Сергели тумани, Қўйлик 5-даҳаси рўпарасида) якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдирилади-ган умрбод эгалик ҳуқуқи эга бўлишлари мумкин.

Мурожаат учун телефон: (+99895) 193-03-13
(+99871) 292-71-84

Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур шохқўчаси манзили бўйича рўйхат-дан ўтган якка тартибдаги тадбиркор Хайитбаева Хуршида (ИНН 454128575)нинг думалоқ мушери йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўз — ўтмоқда соз

САМАРҚАНДНИ ЗИЁРАТ
ҚИЛИШДИ

Кексаларни эъзозлаш йили ҳамда мактаб ўқувчиларининг ёзги таътил кунларининг мароқли ўтишини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳридаги Меҳрибонлик уйлариининг бир гуруҳ тарбияланувчилари Самарқандга саёҳат қилишди.

Ота-боболаримизнинг маданияти, тарихи, меъморий обидалар ҳамда мезиждан шу кунгача етиб келган буюк анъана ва қадриятлар, урф-одат ҳамда анъаналарни ўрганишга аҳд қилган пойтахтлик ёшлар Самарқанд-да бўлишиб, Регистон ансамбли билан яқиндан танишишди. Темурий-лар томонидан бунёд этилган меъморий обидалар ёшларда катта таас-сурот қолдирди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Халқаро маданият карвон саройида Кексаларни эъзозлаш йилига бағишлаб rassom Леонид Маркиннинг «Умр мазмуни» деб номланган шахсий кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

Кўргазмалар

УМР МАЗМУНИ

— Ушбу кўргазмани уюштиришдан кўзланган асосий мақсад, «Кексалар-ни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, шунингдек, ўғил-қизларимизга миллий қадриятла-римиз, урф-одатларимиз, анъана ва маросимларимизни ўргатиш, ёш ав-лодни ҳар жихатдан етук, юксак маъ-навиятли инсонлар этиб камолга ет-казиш, нурунийларнинг ибратли ва

бой ҳаёт тажрибаларидан кенг фой-даланиш ҳамда мусаввириинг ижоди-ни санъат муҳлисларига намойиш этишдан иборат, — дейди Халқаро ма-даният карвон саройининг санъатшу-нос ходимаси Муниса Мамасалиева.


Кўргазмага ташриф буюрсангиз унда Ватанимизнинг бетакрор таби-ати манзаралари, қадимий шаҳарлари-миз, табаррук кексаларимиз акс эт-

тирилган картиналарни мароқ билан томоша қиласиз.

Шунингдек, кўргазмадан «Амир Те-мур», «Қишқи Самарқанд», «Бухоро», «Чор Минор», «Уч бобо», «Қалалар билан локализгалдоқлар», «Тоғда қуз», «Шом-да» каби сержило асарлар ўрин олган.

Леонид Маркин Бенъков номидаги Республика раъсомлик билим юрти, сўнг Низомий номидаги Тошкент дав-лат педагогика университетининг гра-фика йўналишида таҳсил олган. Бу-гунги кунда у Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА
Алексей Попов олган сурат



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кучаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рухсатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят-компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 655

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
11711 нусхада босилди.
Қозғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроил

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 13.40